

ЎЗБЕКISTON

OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2006-yil • 5-sentabr • Seshanba • 106 (27.598) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan

ЎЗХДП ҳаёти БАЙРАМ КУНЛАРИ

Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманида жойлашган Илёс Эргашев номли тиббиёт муассасасида қирқ нафардан ортиқ ЎЗХДП аъзолари меҳнат қилади. Кун кеча бу ерда тантанали равишда янги аъзолик гувоҳномаларини топшириш маросими бўлиб ўтди.



Хусниддин НАСРИДДИНОВ, бош шифокор:

— Партиянинг биз шифокорларга оид алоҳида сиёсати бор. Соҳа ходимлари ХДП электоратини ташкил этади. Демак, биз партия билан ҳар доим ҳамкорликда, ҳамжиҳат бўлиб ишлашимиз керак. Чунки, биз халқимиз соғлигини тиклаш, асраш, мустаҳкамлаш йўлида хизмат қиламиз. Ушбу сиёсий куч бизнинг манфаатларимизни ўйлайди.

Фарҳод АБДИЕВ, шифокор:

— Аввало, ҳар бир одам ўз сиёсий эътиқодини белгилаш чоғида чукр мулоҳаза юрита-

ди. Табиатингиз, дунёқарашингиз, фикрлаш доиранингизга мос эътиқодни танлашингиз табиий. Мен ҳам шундай қилганман. Ўзбекистон ХДПнинг янги Дастурида белгиланган, кўтарилган гоғлар мен ўйлаб юрган масалаларга жуда мос.

Назира УМАРОВА, ҳамшира:

— Нафақат ўзи, оиласи, меҳнат жамоаси, балки фарзандлари, уларнинг тақдирини ўйлаган одам Ўзбекистон ХДП кўтарилган масалаларни қўллаб-қувватлаши керак, деб ҳисоблайман. Партия нафақат ижтимоий, балки барчаннинг манфаатига хизмат қиладиган эколо-

гик муаммоларни ҳам дадил кўтараёпти. Бу ХДПнинг бошқа сиёсий партиялардан кескин фарқ қиладиган томонларидан биридир.

Ноила ИБРОХИМОВА, БПТ раиси:

— Мен бошланғич партия ташкилотини раисига сифатида ҳеч қандай сифатимизга қўшилишга мажбур этмаганман, этмайман ҳам. Шундай бўлса-да, жамоамизда сафдошларимиз сони 40 нафардан ортиди. Партия сиёсий куч сифатида бизнинг манфаатларимизни ҳимоя қиладиган экан, биз ҳам уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашимиз даркор.

◆◆◆
Тошкент шаҳар болалар сил касалликлари сўхатгоҳида айни кунларда 150 нафар бола ўз саломатлигини тикламоқда. Уларга меҳрибон ва жонқур шифокорлар, ҳамширалар тарбиячи-юқитувчилар ҳамда муассасанинг бошқа ходимлари хизмат қўрсатишди. Жамоанинг 44 нафари Ўзбекистон ХДП аъзолари. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган байрам дастури ташкил этилди. ХДП Учтепа туман кенгаши кўмағида бўлиб ўтган шодийнада иштирок этган муассаса жамоаси, шифокорлар, Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари,

партия фаоллари озодлигимизнинг нақадар улуг, азиз неъмат эканлигини таъкидладилар. Бу ерда соғлигини тиклаётган ва тахил олаётган болалар порлоқ келажакимиз эгалари эканлиги, улар қанчалик ақли, имли, доно бўлса, мамлакатимиз ҳам ҳар жиҳатдан шунчалик қудратли бўлиши уқдирчиди.

Тадбир сўнггида партия аъзоларига янги гувоҳномалар топширилди.

Бехзод ШУКУРОВ

Суратда: И.Эргашев номли тиббиёт муассасасининг бир гуруҳ шифокорлари.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Муносабат

ФАХР-ИФТИХОР ВА МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Кун кеча халқимизнинг асрий орзуси — Истиқлолнинг 15 йиллиги мамлакатимизда катта шодийна билан нишонланди. Айниқса, республикамиз Президентининг байрамга бағишланган тантанали маросимдаги нутқи юртдошларимиз қалбини қувонч, гурур ва ифтихорга тўлдирди.

Ким билан суҳбатлашманг, Юртбошимиз сўзларини Истиқлолни янада мустаҳкамлаш, юксалтириш йўлида янада фидойи, доимо хушёр ва масъулиятли бўлиш, шу юрт, шу Ватан меники, деган улуг туйғулар билан яшашга даъват деб қабул қилмоқда.

Ҳошимжон ҒАЙБУЛЛАЕВ, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси Наманган вилоят сайёҳлик ва экскурсиялар бюроси директори, ЎЗХДПдан халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши депутати:

— Президентимизнинг байрам нутқини ойнаи жаҳон орқали томоша қиларканман, қалбимда ҳаяжон тошди. Дарҳақиқат, Мустақиллик туфайли биргина маънавий ҳаётимиздаги юксалиш бизнинг вилоятимизда амалга оширилган ишларда ҳам ёрқин ифодасини топди. Ўзгилгимизни тиклаш, буюк аждодларимиз, азиз-авлиёларимизнинг муборак номларини абадийлаштириш борасидаги олижаноб интилишлар самараси ўлароқ Мулла Бозор Охунд мақбараси мажмуи, 50 гектарлик боғ ва ундаги Бобораҳим Машраб музейи, Бобур ва Нодим Намангоний хибоналари, Мулла Кирғиз мадрасаси, яқиндагина поёнига етган Маҳдуми Аъзам шажаралари билан боғлиқ муқаддас обидалар мажмуи, қолаверса, мамлакатимизнинг барча шаҳару туманларидаги тарихий ўзгаришлар кўз олдидан ўтди.

Мухтарам Юртбошимиз бутун халқимиз дил сўзларини айтиди деб ўйлайман. Нутқдаги сўзлар бизни эзгу ишларга яна бир бор даъват этди, олға ундади.

Абдулла ҚУРБОНОВ, «Хоразмгаз» худудий газ таъминоти Урганч шаҳар филиали директори, ЎЗХДП аъзоси:

— Юртбошимизнинг табрик нутқини гурур билан тингладим. Тўғриси, одамда қандайдир ўзига ишонч кучайди, масъулият туйғуси ошди. Қўлаётган меҳнатимиз самарасини чуқурроқ ҳис этгандек бўлди. Шу билан бирга дунёдан хабардор бўлиш, воқеаларга бефарқ қарамаслик зарурлигини янада чуқурроқ англадим. Бизнинг зиммамизда шахримиз аҳолисини табиий газ билан узлуксиз таъминлаш сифатини янада оширишдек вазифа турибди. Айни кунларда қишга тайёргарлик қўраётимиз. Ҳар бир киши ўз жойида ўз бурчини ҳалол ва сидқидилдан бажарса, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшган бўлади деб ҳисоблайман.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ ёзиб олди

ЖАМИЯТНИНГ МУСТАҲКАМ НЕГИЗИ

Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорини ўқиб, кўнгилдан кечган ўйлар

«Моддий ислохотлар, иқтисодий ислохотлар ўз йўлига. Уларни ҳал қилиш мумкин... Аммо маънавий ислохотлар — қуллиқ ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадим баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удувларини тиклаб, уларга муносиб ворислар бўлиш — бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ бу дунёда!»

Ислом КАРИМОВ

Маънавият ҳақида гап кетганда, ҳаммиса бир нарса ёдга тушади. Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ маънавиятга, кадриятларимизни очик-ойдин нишонлаш бундан ўн беш йил олдин барчаннинг орзуси эмасмиди? Куръони карим, Ҳадиси шариф каби муқаддас китобларнинг ўзбек тилида нашр этилиши, одоб-ахлоқ, маънавиятни тарғиб қилувчи юзлаб китобларнинг халқимизга тўхфа қилинаётганидан бехад қувонмоғимиз лозим эмасми?

Наврўз байрамини шарофати билан ҳар бир хонадон, маҳалла аҳли сумалак сайларини эмин-эркин ўтказмоқда. Ваҳоланки, аллақайси корчалонлар кимларнингдир кўтқуси билан қозон тўла сумалакларни ағдариб, байрамларни бузганига кўп вақт бўлгани йўқ-ку. Бу ҳам майли. Ҳатто халқимизнинг азалий урф-одатлари, кадриятларидан бўлиб тўймаърақларимизни махсус

«қўрсатма» асосида ўтказишимизни талаб қиладиганлар бор эди.

Яратганга минг қатла шукр, у замоналар ўтиб кетди. Бугун бутунлай бошқача даврда яшаймиз. Йилнинг тўрт фаслида юртдошларимиз хонадонларида карнай-сурнайлар янграб, шоду хуррамлик билан тўйлар бўлаётганидан диллар қувончга тўлади...

Давлатимиз миллий маънавиятни шакллантириш, унинг ўзига ҳосилгини тиклашга, янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Маънавиятимиз — халқимизнинг асрлар давомида сайқалланиб келган тарихий аънаналари, урф-одатлари, ахлоқий ўғитлари, бой маънавий меросига, кадриятларига асосланган ҳолда бугун янада ривожланмоқда. Бу сайқаллаш, ривожланиш, баркамоллик мустақиллигимиз туфайли, истиқлолимиз шарофати биландир. Шундай экан, мамлакатимизда яшовчи ҳар бир фуқаро мустақиллигимизни асраб-авайлашга, халқимиз оқилолликни ва фаровонлигига, маънавияти, маданияти ривожига ўз ҳиссасини қўймоғи фарздор деб ўйлайман.

Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ, профессор

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI
ИСЛОМ КАРИМОВ 4 СЕНТЯБРЬ КУНИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ
БИЛАН ҚОЗОҒИСТОН RESPUBLIKASIDA БЎЛДИ

Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари асрлар давомида дўст-қардош, қуда-анда бўлиб келган. Мамлакатларимиз мустақиллик йилларида янги қўшиқчилик аънаналари асосида ўзаро муносабатларни кенгайтириб, минтақавий интеграция жараёнларини ривожлантириш учун яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётган. Халқларимиз доим қувончини баҳам қўриб, оғир дамларда ҳамдард, елкадош бўлган. Умумий тарих, муштарак маданият ва урф-одатлар, тил ва диннинг бирлиги муносабатларнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу галги Ўзбекистон — Қозоғистон саммити икки давлат раҳбарларининг ўн еттинчи учрашуви эканлигининг ўзиёқ икки томонлама муносабатлар юксак даражада эканига, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг ташқи сиёсатида ўзаро ҳамкорликка нечоғли устувор аҳамият берилишига ёрқин далил бўла олади. Жорий йилнинг 11 январь кунини Ислом Каримов Қозоғистон Президентининг инаугурация маросимига қатнашиш учун Остонага борди, 19-20 март кунлари эса Нурсултон Назарбаев давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди. Наврўз байрами арафасида ўтган Ўзбекистон — Қозоғистон саммити асосида икки мамлакат Президентлари раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаши тузиш борасида келишувга эришилгани ва шу ҳақдаги меморандум имзоланганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Қозоғистон Президентининг «Оқўрда» қароргоҳида Ўзбекистон раҳбарини расмий қутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фажрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев шохсўпага кўтарилидилар. Давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фажрий қоровул сафи олдида ўтдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг яқма-яқма суҳбатига бошланди. Ушбу мулоқот Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги кенг нишонланаётган кунларда ўтаётганда чукр рамзий маъно борлиги таъкидланди. Зеро, истиқлол шарофати билан бугун Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўзаро ҳамкорликни янги замон рўида қўриб, уни ҳар томонлама ривожлантиришмоқда.

Бугунги мулоқот жорий йил март ойида Тошкентда ўтган Ўзбекистон — Қозоғистон саммитининг мантқий давомидир, — деди Ислом Каримов. — Биз икки томонлама ҳамкорликнинг имкониятларини юқори қадралаймиз.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини икки баравар кўпайтириш лозим, — деди Нурсултон Назарбаев. — Бу бўйича тегишли вазирлик ва идораларга топшириқлар бериш керак.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 1998 йилда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома тамойиллари асосида ривожланиб бораётганини қайд этдилар. 2002 йил 9 сентябрда имзоланган Давлат чегараларининг делимитацияси тўғрисидаги шартнома ҳам замон талабларига мос ҳужжат бўлгани, Ўзбекистон билан Қозоғистон МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб чегара масалаларини ҳал этгани ўзаро ишонч мустаҳкамлигидан далолат эканини таъкидладилар. Бу ҳужжат билан давлат чегарасини юридик жиҳатдан қайд қилиш бўйича музокара жараёнига нукта қўйилди ва айни пайтда демаркация ишлари давом этмоқда.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқалар, шунингдек, минтақавий хавфсизликка оид ҳамда ўзларини қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани қайд этилди. Кўплаб халқаро муаммоларга нисбатан қарашлар ўхшаш ва яқинлиги таъкидланди. Жумладан, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлан-тириш борасидаги баҳамжиҳат саъй-ҳаракатлар самарали кечаётган. Шу ой ўрталарида Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирлигининг бу тинчликпарварлик ғояга расмий мақом бевуричи ҳужжати имзолан-тириш режалаштирилмоқда. Мамлакатларимиз террорчилик, экстремизм, наркобизнес, қурол-яроғ контрабандаси каби таҳдидларга қарши кураш борасида ҳам ҳамфикрлар. Бу борада террорчилик, сиёсий ва диний экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчиликка, шунингдек барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларга қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги 2000 йил 21 апрель кунини Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари томонидан имзоланган шартнома муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида асосий диққат-эътибор ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, жумладан, ишбилармонлар ҳамда маъмурий-худудий субъектларнинг бевосита алоқаларини кенгайтириш ва рағбатлантиришга, божхона ва чегарадан ўтиш тартибларини энгиллаштиришга, транспорт коммуникациялари ва сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланишга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва етказиб беришга оид масалаларга қаратилди.

Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг савдо-иқтисодий ҳамкорлиги қардошлик, яқин қўшиқчилик аънаналари асосида изчил ривожланиб бормоқда. Ўзаро му-

носабатларнинг ҳуқуқий асосини юздан зиёд ҳужжат ташкил этади ва бу ҳуқуқий пойдевор ҳамкорликнинг барча соҳаларини қамраб олган. Эллиқдан ортиқ ҳужжат иқтисодий соҳага тааллуқлидир. Улар орасида мамлакатларимиз ўртасида эркин савдо, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочишга оид битимлар бор.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2005 йилда 497,1 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Бу 2004 йилдагига нисбатан 16 фоиз кўндр. Жорий йилнинг биринчи ярмида бу борадаги кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 27,3 фоизга ортиди. Умуман, ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳажми ҳар йили ўртача 20-30 фоиздан ўсиб бормоқда.

Ўзбекистонда Қозоғистон сармояси иштирокида тузилган 73 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг олтигаси тўла қозоғистонлик сармоядорлар ҳисобига очилган. Юртимизда Қозоғистоннинг 24 фирми ва компаниясининг ваколатхонаси бор.

Айни пайтда Қозоғистонда Ўзбекистон сармоядорлари иштирокида тузилган 86 корхона ишлаб турибди. Улар савдо-сотиқ, озиқ-овқат, дори-дармон, қурилиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, минерал ўғитлар, пахта ва пахтадан олин-надиган маҳсулотлар, ёғочни қайта ишлаш, мебеласозлик, ойна-ҳасилка, кўнчилик сингари соҳаларда фаолият кўрсатади.

Албатта, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг иқтисодий имкониятларини бу кўрсаткичларни бир неча баробар оширишга етади. Масалан, мамлакатларимиз қишлоқ хўжалиги, энгил ва оғир санат, қурилиш, машинасозлик, транспорт коммуникациялари, нефть-газ ва кўплаб бошқа соҳаларда ҳамкорликни янада юқори поғонага кўтариши мумкин.


Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарларининг жорий йил март ойида бўлган Тошкент учрашувида икки мамлакатда доимий экзтибё мавжуд бўлган товарлар рўида кунини тузиб чиқишга ва бевосита савдо-сотиқни кенгайтиришга келишиб олинган эди. Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳуқуқмат-лараро комиссия Президентларнинг бундай келишувларини амалиётга татбиқ этиб келмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўзида икки бор Остона (Март) ва Тошкентда (август) унинг мажлиси ўтказилиб, давлат раҳбарлари томонидан белгиланган ва-зифалар ижроси кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, Тошкент учрашувида банклараро ҳамкорликни ривожлантириш максатида Ўзбекистонда Қозоғистон Тараққиёт банкнинг филиалини очиб ташаббуси илгари сурилган эди. Июнь ойида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Қозоғистон Тараққиёт банки» акционерлик жамғармасининг ваколатхонасини рўйхатдан ўтказди ва июль ойида у ўз фаолиятини бошлади.

(Давоми 2-бетда)

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

Тошкент теннис маркази кортларида теннис бўйича навбатдаги Осиё чемпионатининг асосий тур бешлашувлари бошланди. Унда ҳамюртларимиздан ташқари Баҳрайн, Сангань, Эрон, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Покистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Қувейт, Хитой, Япония ва Хитой Тайпейидан келган ракетка усталари қозоғлик ва «Катта дубулга» туркумига кирувчи тўрт энг нуфузли мусобақанинг дастлабки — Австралиа очик чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган йўлланма — «Wild card» учун ўзаро беллашмоқда.



Осиё теннис федерацияси (АТФ) юртимизда ҳар қандай спорт мусобақалари юқори савияда ташкил этилишини инобатга олиб, китъа чемпионатини 2002 йилдан буён Тошкент шаҳри кортларида ўтказмоқда.

Бу йилги Осиё чемпионатида Ирода Тўлаганова, Оқул Омонмуродова, Мурод Иноятов, Сарвар Икромов, Денис Истомин каби тажрибали ракетка усталаримиз қаторида, ўн нафардан зиёд умидли теннисчиларимиз ҳам юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқда.

Биринчи кунги бешлашувлар ҳамюртларимиздан фақат Ирода Тўлаганова учун омадли келди. Узоқ муддат жароҳатларини даволатиб, яна кортга қайтган энг тажрибали теннисчимиз дастлабки учрашувда хитойлик Вантинг Лю билан куч сынашди, 6:4; 6:3 ҳисобида ғалаба қозонди.

Зоҳир ТОШЎҶАЕВ, Қоҳрамон ҚАРШИЕВ, ЎЗА мухбирлари

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HANKORI!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Март саммитидан кейинги ўзгаришлар қаторига Тошкент-Олмаота — Нукус — Тошкент темир йўл маршрутининг очилгани, Тошкент — Олмаота — Тошкент авиакатновлари сони оширилгани ҳам қўшилган. Бу транспорт коммуникацияси соҳасидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланаётганидан далolat беради.

Музокарада иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Илм-фан, маданият ва санъат намоёндалари, спортчиларнинг ўзаро алоқаларини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, оммавий ахборот воситалари тузилмаларининг ҳамкорлигини фаоллаштириш юзасидан фикр алмашилди. Президентлар зиялиларимиз мунтазам учрашувлар ўтказиб туриши, журналистлар эса ўзаро ҳамкорликнинг ёрқин қирраларини ёритиб бориши зарурлигини таъкидлашди.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Қўшма баёнотга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Қозғистон Республикаси Президенти раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашининг низомига имзо чекидилар.

Ўзбекистон Республикаси билан Қозғистон Республикаси ўртасида 2006-2008 йилларга

мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури ва тадбирлар режаси, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қозғистон Республикаси ҳукумати ўртасида 2006-2008 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури ва тадбирлар режаси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан Қозғистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ўртасида давлатга қарашли ҳаво кемалари парвозларининг хавфсизлиги тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон» миллий компанияси билан Қозғистон Республикасининг Сайёҳлик ва спорт бўйича вазирлиги ўртасида сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан Қозғистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ўртасида ҳамкорлик дастури имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар самарали кенгашидан мамнуният билдириб, мулоқотлар сермазун бўлгани, ўзаро очиклик ва ишонч руҳида ўтганини таъкид-

ладилар.

Президент Ислам Каримов таширф натижаларига юксак баҳо берар экан, ушбу сафар асосида эришилган келишувлар, имзоланган ҳужжатлар ўзаро муносабатларни ривожлантиришини янги имкониятларини очибди, мамлакатларимиз мафлаатларига ва ҳамкорликни янги поғонага қўтаришга хизмат қилишини таъкидлади.

Нурсултон Назарбоев таширф натижалари Ўзбекистон — Қозғистон муносабатларини ривожлантиришда, шунингдек, умуман Марказий Осиёда интеграция жараёнларини фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

— Бугун имзоланган Қўшма баёнот, Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашининг расман тасвир этилиши ҳамкорлик йўлидаги амалий ҳаракатларимиздан далolatдир, — деди Ислам Каримов. — Биз гуманитар соҳадаги алоқаларга ҳам қатъият қараймиз. Чунки бу борада ҳам ишга солинмаётган имкониятлар жуда кўп. Савдо-иқтисодий ва бошқа соҳаларда мўлжалланган режаларимизни тўлалигича рўёбга чиқарасан, бу нафақат икки томонлама муносабатлар, балки бугун Марказий Осиё мунтақасидаги жараёнларга икки томонлама таъсир қўради.

— Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашининг низоми, гуманитар ҳамда иқтисодий алоқалар бўйича ҳамкорлик дасту-

лари қабул қилингани муносабатларимиздаги муҳим воқеа бўлди, — деди Нурсултон Назарбоев. — 2006 йилни ўзаро ҳамкорлигимиздаги олға юриш йили, деб аташ мумкин.

Президентлар хавфсизлик масалаларини ҳам муҳокама қилганини, замонавий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашда баҳамжihat ҳаракатларини самара беришини таъкидлашди. Абдий дўстлик тамойилларига асосланган иттифоқчилик асосидаги муносабатлар аҳдо-лардан қолган мерос эканлиги қайд этилди. Ўзаро товар айрибошлаш ҳамкорлиги икки баробар қўлайлаштирилди, ҳамкорликда ҳарбий машқлар ўтказишга келишиб олингани маълум қилинди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислам Каримов Остонадаги Ватан ҳимоячилари монументи пойга гул қўйди, Қозғистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини бориб қўрди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Қозғистон Республикасидаги давлат таширфи низомига имзо қилинди.

✦✦✦

Мамлакатимиз раҳбари Қозғистонга давлат таширфи арафасида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг норасмий саммитида иштирок этди. 1 сентябрь кuni Остона шаҳрида ўтган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов, Қозғистон

Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Курманбек Бакиев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов қатнашдилар.

Марказий Осиё мамлакатларининг сув-энергетика консорциумини тузиш ишларини жалдлаштириш мавзуси кун тартибидидаги асосий масалалардан бири бўлди. Маълумки, Президент Ислам Каримов бир неча йил аввал сув-энергетика, озиқ-овқат ва транспорт коммуникациялари бўйича урта консорциум тузиб, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида бу соҳалардаги ҳамкорликни шу тариқа тартибга солиш, мувофиқлаштириш ва ривожлантириш ташаббусини илгари сўзган эди. Уларнинг концепцияси ишлаб чиқилган. Норасмий саммитда бу масала атрофича муҳокама этилди.


Президентлар Орولين кўчариш халқаро жамағатининг фаолиятини янада фаоллаштириш, жамағатга доирасида Ахборот марказини ташкил этишга келишиб олдилар.

Остона саммитида Марказий Осиёда интеграция жараёнларини ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ,
Тошкент — Остона — Тошкент.

ИСТИҚЛОЛ БИЗГА НИМА БЕРДИ? БИЗ-ЧИ?

Истиқлолимизга пайваста муштарак манфаатлар хусусида сўз борганида ўртага кўпинча иккита жиддий савол кўндаланг чиқади: Мустақиллик бизга нима берди ва биз мустақилликка нима бердик? Бу саволларга Хоразмда бўлаётган ўзгаришлар мисолида жавоб топшига ҳаракат қилдик.



Хоразмда Амударё узра салобатли автомобиль ва темир йўл кўприги барпо этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ, Пулат ва темир-бетон бирикмалари ҳамда метин усуллардан таркиб топган 681 метрлик ушбу мустаҳкам иншоот қурилишига 33,5 миллиард сўм миқдорда маблағ сарфланди. Кўприк қурилиб битган, у қад ростлаган Тошсока қишлоғига давлатимиз раҳбари Ислам Каримов шахсан таширф буюриб, воҳа аҳлини мубораққод этди. Мана 2,5 йилдирки кўприк эл хизматида. Замонавий транспорт узелининг ишга туширилиши қатновларни қарий 400 километр масофага қисқартириш, қўшни Туркманистон ҳудуди орқали эмас, балки мамлакатимизнинг ўз йўллари бўйлаб ўзлуксиз кўришни йўлга қўйиш, бу йил йилига камда 30 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги маблағни тежаш имконини берди. Бунда Қизилқум саҳроси бўйлаб Учқудуқдан Мискин бекатига қаратилган салкам 300 чакиримлик янги темир йўл тармоғининг аҳамияти янада катта бўлди. Мазкур тармоқ пиروвардида кўприкчага ўзайтирилди. Бунинг учун яна 14 километр масофага темир йўл излари ётқузилди. Янги салобатли кўприк воҳани наинки мамлакатимиз минтақалари, балки узоқ-яқин хориз билан ҳам чамбарчас боғлади. Янада муҳими, юк ва йўловчи ташвиш масаласида бошқаларга боғлиқ муаммоларга чек қўйилди.

... 1997 йил ноябрь. Мамлакатимиз Президентининг «Хоразм — Маълум академиясини ташкил қилиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Миллий Республикалар илм-фанига «кўзойнак» орқали қараб келинган замоналарда бу каби маърифат ўчоқларининг барпо этилишини ҳақто хаёлга ҳам келтира олмадик. Президент Фармони бу борадаги ноҳилик ва адолатсизликларга чек қўйди.

... 1997 йил ноябрь. Мамлакатимиз Президентининг «Хоразм — Маълум академиясини ташкил қилиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Миллий Республикалар илм-фанига «кўзойнак» орқали қараб келинган замоналарда бу каби маърифат ўчоқларининг барпо этилишини ҳақто хаёлга ҳам келтира олмадик. Президент Фармони бу борадаги ноҳилик ва адолатсизликларга чек қўйди.

Узбекистоннинг теран англашга туртки бўлган яна бир унутилмас воқеа 1999 йили содир бўлди. Президентимиз Фармонида биноан бук саркарда ва халоскор Жалолиддин Манғуберди (Хоразмнинг) таваллудининг 800 йиллик тантаналари нишонланди. Орадан кўп ўтмаёқ давлатимизнинг юксак муқофоти Жалолиддин Манғуберди ордини ҳам таъсис этилди. Хоразм вилояти ана шу юксак муқофотнинг биринчи соҳиби бўлди.

... «Ичон қалъа»да туғилиб, воёга етган Шехназар Матрасуловни хивалиқлар тарих «жиниси» дейишди. Ўз касбининг чинакам фидойисини ва жонқуяри сифатида танилган бу тадқиқотчи олим (тарих фан-

лари номзодининг галати феъл бор: ерга урсанг осмонга сапчийман, дейди. Олим Хивани тадқиқ этишда М.Мамбетуллаев билан елкама-елка туриб ишладди. Барини ўз кўзи билан тунлардан таркиб топган 681 метрлик ушбу мустаҳкам иншоот қурилишига 33,5 миллиард сўм миқдорда маблағ сарфланди. Кўприк қурилиб битган, у қад ростлаган Тошсока қишлоғига давлатимиз раҳбари Ислам Каримов шахсан таширф буюриб, воҳа аҳлини мубораққод этди. Мана 2,5 йилдирки кўприк эл хизматида. Замонавий транспорт узелининг ишга туширилиши қатновларни қарий 400 километр масофага қисқартириш, қўшни Туркманистон ҳудуди орқали эмас, балки мамлакатимизнинг ўз йўллари бўйлаб ўзлуксиз кўришни йўлга қўйиш, бу йил йилига камда 30 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги маблағни тежаш имконини берди. Бунда Қизилқум саҳроси бўйлаб Учқудуқдан Мискин бекатига қаратилган салкам 300 чакиримлик янги темир йўл тармоғининг аҳамияти янада катта бўлди. Мазкур тармоқ пиروвардида кўприкчага ўзайтирилди. Бунинг учун яна 14 километр масофага темир йўл излари ётқузилди. Янги салобатли кўприк воҳани наинки мамлакатимиз минтақалари, балки узоқ-яқин хориз билан ҳам чамбарчас боғлади. Янада муҳими, юк ва йўловчи ташвиш масаласида бошқаларга боғлиқ муаммоларга чек қўйилди.

... 1997 йил ноябрь. Мамлакатимиз Президентининг «Хоразм — Маълум академиясини ташкил қилиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Миллий Республикалар илм-фанига «кўзойнак» орқали қараб келинган замоналарда бу каби маърифат ўчоқларининг барпо этилишини ҳақто хаёлга ҳам келтира олмадик. Президент Фармони бу борадаги ноҳилик ва адолатсизликларга чек қўйди.

... Яқинда йўлимиз тушиб, Хазорасп туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига кирдик. Бувоҳа муовини Равадан Солаев фермер ҳўжалиқларига бир-бир сими қоқапди:


— Алло, «Жайқубод»данми?

— ...

— Сизга хушхабар бор. Оғир дехқончилик шароитини назарда тутиб, давлатимиз фермер ҳўжалиқларига дотация ажратаяпти: гектарига 45 минг сўм. Ер, ҳосил ва харажатларининг ҳақидаги маълумотномани тақдим этиб, пулни бемалол олаверасиз.

Бошлиқ муовини шу кунги ўнларча ҳўжалиқларга сими қоқиб, барини хушхабардан воқиб этди.

Бошқа бир ибратли ҳолатни «Ўзқишлоқхўжалиқмашлиқининг» вилоят филиалида кузатдик. Маълум бўлдики, кейинги 3-4 йил оралиғида мазкур идо-



Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар

Ўзбекистон Қаҳрамонлари

ИРМОҚЛАР ИНТИЛГАН ДАРЁ...

(ОЧЕРК)

Ум инсоннинг икки ашиқ орасида босиб ўтган йўли. Бу йўлнинг чорраҳаси тақдир, бир бекати саодат, яна бири армон. Шундай одамлар борки, бу йўлда рибзат чексаларда, тақдирнинг сўқмоқларидан ймонга таяниб, меҳнатга, илмга индибли мақсад манзилга етадилар.

Малика Абдуллаҳўжаева ҳаётинг мураккаб синовларига ўзида куч, бардош топиб, тиббиётимиз тарихида из қолдирган оlima. Бинобарин, олиманинг таъбири билан айтганда: «Фан олами истаганинчи оладиган, бозор эмас, бу ишга билан қудқ қазийдек гап. Илм уммонига томчидай кашфиёт қўша олсанг, демек, захматинг зое кетмайди, ортингиз из қолади...»

У ўнмас из қолдира олди. Унинг самарали меҳнати, тиббиёт тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳуқуқатимиз томонидан муносиб тақдирланди. Академик, тиббиёт фанлари доктори, республика Патология анатомия маркази директори Малика Абдуллаҳўжаевага Президентимиз Ислам Каримов Фармони билан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди.

Қувончининг қўш қаноти бор, олиманинг ҳузурда бўлиб биз ҳам уни Ватаннинг юксак муқофоти билан қўтладик.

— Очиги, мен учун қўтилмаган воқеа бўлди, — олининг нуруйни чехраси қувончдан яшнади. — Неварам — Жасур саҳарлаб кўнғироқ қилиб: «Бувижон! Сиз Қаҳрамон бўйсиз!» деганида, аввалига тушунмадим, яна: «Мана, газетда ёзишибди!» деди у.

Гўшақни қўйиш билан ўғлим, қизим...

Ишга келсам, бутун жамоамиз дарвоза олдида кутиб олди. Вазирликдан, ҳамкасблар... Ишонсангиз, куннинг иккинчи ярмида Америка, Хиндистон, Миср, Европадаги дўст, шоғирдлар, меннинг қувончимга шерик бўлишди...

У Тошкентда, 1992 йилнинг 28 ноябрида зиялилар оиласида дунёга келди. Отаси Абдусамат Абдуллаҳўжаев тиббиёт ходими, онаси Муқаддас Ражабова ҳам шифокор бўлиш орасида эди, аммо тақдиринг тоши оғир кенди, ўқини тугаллай олмади.

«Онам ўзининг ушалмаган орзусини менда қўриш учун қўлдан келганини қилди» дея эслайди она.

Дарҳақиқат, Малика ҳозирги Тошкент Тиббиёт академиясида ўқиб юрган чоғидаёқ ўзининг тиришқўклиги, илмга чақоқлиги, ташкилотчилик қобилияти билан устозларининг эътиборига тушди. Дарвоқе, у талабалик йиллариданқоқ устози профессор Зиновий Слободин қўл остида, кейинчалик профессор Глеб Терехов раҳбарлигида патология анатомия фанининг долзарб муаммоси, бўйича илмий изланишлар олиб бориб. Айниқса, унинг «Зотилжам билан оргиган болаларнинг адашган асаб ўзгалари нейронларида юз берадиган гистокимёвий ўзгаришлар таҳлили» мазмунидаги илмий мақоласи катта шов-шувга сабаб бўлди.

Маълумки, бу мамлакатимизда гистокимё иختисослиги бўйича биринчи илмий иш эди. Оlima соҳадаги ноаниқлик, маълумликларни назарий ва илмий асослаб берди. Мавзунин янада чуқурлаштирди. «Онтогенезда терини ҳаракатлантирувчи ҳўжайраларнинг гистокимёсивазуида номзодлик диссертациясини ёқлади.

Бу мавзу ноъанавий илмий услубларни қўллашга асослангани боис олимлар орасида турли баҳс-мунозара, тортишувларга сабаб бўлди. Малика Саматовна эса илмий ишини амалиётга қўчириш учун ўз эътиқолига содиқ қолди. 1963 йили, 31 ёшли оlima шу пайтгача бедаво дард ҳисобланган — асаб тизимининг хавфли ўсмаларини даволаш услубидаги қўлгина ноаниқликларга жавоб топти. У республикамизда биринчи бўлиб нейроонкология муаммоларига қўл урди.

Маълумки, инсоннинг бош миёсиди «Эпифиз» деган кичкина без бўлиб, одамнинг ҳисмоний ва жинсий ривожланишини «назорат» қиладу. Шу без ўзгаришларга учраса, одам танасида гармонлар мувозанати бузилади ва асаб тизимида хавфли ўсма ўсишига олиб келади! Оlima бунчи аниқлади ва бу тиббиётда катта янгилик бўлди. Минглаб беморлар дарддан фориғ бўлди...

Бедор ўтган уйқусиз туңлар, йиллаб ўтказилган илмий тадқиқотлар мевасини берди. Малика Абдуллаҳўжаева 1968 йилнинг 30 апрелида «Марказий асаб тизимининг бластомогенези» мавзусида докторлик илмий ишини ёқлади. Бу ҳақда унинг илмий раҳбари

А.Авдин: «Малика мамлакатда биринчи бўлиб тахрибавий нейроонкология йўнашлишига тамал тошини қўйди...» дея фахр билан таъкидланди.

Натижада, нейроонкологияга доир адабиётлардаги мавжуд хато назариялар барҳам топти, мия ўсмаларининг келиб чиқиш сабабларига аниқлик киритилди. Энг асосийси «бедаво дард»ни жоловлан, беморлар ҳаётини сақлаб қолишда қўшма ишга қўл урила бошланди...

У Республика Патология анатомия марказининг қурилишдан тортиб, хоналарни пардозлашга, кадрлар билан таъминлаш, моддий-техника базасини яраттигача ўзи саъй-ҳаракатда бўлди. Марказ дастлаб иш бошлаган, 1992 йилларда ҳали бу соҳа бўйича, потологанотом мутаҳассислар йўқ эди.

Зеро, патология анатомия — беморни консерватив даволаш соҳасининг асосидир. Бугунги кунда марказ республикадаги бутун патология анатомия хизматида ташкилий-усулбий жиҳатдан раҳбарлик қиладу. 33 та даволаш-профилактика муассасадаги шифокорлар фаолиятини экстрим пертизадан ўтказиш, турли хасталиқларни аниқлаш, ташхислаш ишларини олиб боради.

Мозийга назар солсак, 1986 йилнинг 30 сентябрида Осиё ахборот агентлигидан Хиндистон ва Араб давлатларига шундай хабар тарқатилди: «Ўзбек аёли, Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида яшовчи тиббиёт фанлари доктори, профессор Малика Саматовна Абдуллаҳўжаева Америка Қўшма Штатлари Френсо шаҳрининг фахрий фўқроси этиб сайланди».

Опа шундай деб хижоа қиладу: — Ўша йили ёзда, кечагидай эсимда,

Френсода, «Жаҳон аёллари — тинчлик учун курашди» семинарида қатнашдик, маъруза қилдик. Семинар қатнашчилари меннинг олималигимдан, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотидида эсперт-лигимдан хабардор бўлишган, эл беш-йигирма даққа гулдурс қарсақ чалиб минбардан туширишмади. Мен уларга Ўзбекистон, халқим, миллатим, юртим, ўзбек оилалари ҳақида яна қайта маъруза қилдик. Қизиги, зал жим-жит, нутқимни тутатдим, барибир сукунат. «Мен — ўзбекнинг шундай қизи, олимаси... Бундан ҳам юрагимга яқини — мен ўзбекнинг оддий Онасиман! Икки нафар фарзандининг онаси! Биз миллионлабмиз, биз тинчлик тарафдоримиз!» дедим.

Зал оёққа қалқди: «Браво! Ўзбек маликаси — браво!» деган ҳайриқит тутиб кетди.

Унинг шоғирдлари бугунги кунда ер юзига «сочилиб» кетган. Яман, Миср, Исроил, Корея, Хиндистон...

Малика Саматовнанинг Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотидида, Женевада, беш йил илмий маслаҳатчи, эсперт бўлиб ишлаган даврда тўлган тахрибаси бу соҳанинг янада ривожига туртки бўлди.

У Америкадаги халқаро Биография институти, Кембриж илмий маркази мутахассислари томонидан «1998 йилнинг энг салохатли аёли» деб топилди. Биз бугун Малика Саматовна Абдуллаҳўжаеванинг дунё миқёсидаги «XX асрнинг энг буюк 500 аллома-си» сафига киритилганлиги билан ҳам ҳақли равишда фахрланамиз. Яна бир факт, 1999 йил бўйича халқаро Биография институти чоп этган Халқаро интеллектларнинг «Ким аслида ким?» китобида Малика Абдуллаҳўжаеванинг номи қайди этилган.

У республикамизда «Организмининг трансплантацияга қарши реакциялари» асосларини ўрганишини биринчи бўлиб бошлаб берган тадқиқотчидир. Оlima нейрондорқин ва иммун тизимлар ўртасидаги ўзаро таъсирининг механизмининг илмий жиҳатдан асослаб берди. Бинобарин, бу соҳада ҳозиргача ягона йўналиш ҳисобланади. Шунингдек, Малика Саматовна биринчи марта Ўзбекистонда ирсий иммунитет танқислиги атиги 1,3 фойз ҳолда учраши, она қорнида ортирилган тузма иммунитет танқислиги эса қўлгили, оқибатда чақалоқларнинг турли юқумли хасталиқлардан нобуд бўлиши сабабларини аниқлаб берди. Тиббиётда унинг тадқиқоти амалиётда қўлланилиши, яъни иммунитет танқислигини аниқлаш ва унга патогенетик давоини қўллаш усулларини янада тақомиллаштиришга асос солди.

Тақомилсиз устоз, гўё мевасиз дарахт. У Ўзбекистонда ва Марказий Осиёда биринчи инсон патологияси бўйича ягона илмий марказга асос солди. Академик патология анатомия соҳасида ўзига хос илмий мактаб яратди. Бу мактабда 11 нафар тиббиёт фанлари доктори, 55 нафар фан номзодлари тайёрланди. Ва бу-

гун қўллаб ёшлар бу улкан дарёга ирмоқдайин интилмоқда.

— Дунё кездим, юртлар, халқларни кўрдим, — дейди опа ички бир ҳаяжон билан. — Аммо ўз юртимдан обод, тинч, осойишта гўшани, халқимдай баргирек, меҳнатқаш, ниймон-этиқонли элни кўрмадим. Мен ёшликдан дунё халқлари тилларини, айниқса, инглиз тилини чуқур ўрганишга интилдим. Халқаро минбарларда туриб, инглиз тилида маъруза қиларканман, сўзимни: «Мен ўзбекистонликман!» дея бошлаيمان ва «Ўзбек аёлиман!» деб якунлаيمان.

Ярим асрдан ортик умримни тош-тарозига солсам, охириги 15 йил мен учун ардоқли. Истиқлол турбайли умр бўйи интилган мақсадим — патология анатомия марказини барпо этишга эришдим... Истиқлол олимлар учун имкониятлар ашигини очди. Бу имкониятлардан кўпроқ фойдаланиш керак...

Яна бир ифтихорли томони шундаки, ўзбек олимасини бугун дунёдаги энг нуфузли олийгоҳларда яши биллашди, эътироф этишди. Зотан, у ўзининг 35 йиллик илмий ва педагогик фаолиятида 200 тадан ортик илмий ишлар: 11 та монография, атлас, алманох ва қатор китоблар ҳамда «Одам патологияси асослари» дарслигини яратди. Дарслик ўзбек, инглиз, рус тилларида чоп этилди. У хорижий ўқув даргоҳларидида дарслик сифатида қўлланилади. Унинг нейронкология оид тадқиқотлари — мия ўсмаларининг пайдо бўлиши ҳақидаги кашфиёти дунё тиббиёти тахрибасида қўлланилмоқда.

Маълумки, республикамизда замонавий патология анатомиянинг ривожига олиманинг тадқиқотлари катта туртки бўлмоқда.

Довондан ошган одам, яна олдинда интилди. Энди у энг баланд чўққини кўзлайди. Суҳбатимиз мавзун тиббиётимизнинг эртаси, режаларга, озуларга бориб тақалди.

— Тиббиёт тараққиёт билан тирик, дунёнинг қайси бир нуқтасида ангилар тартидими, уни амалиётга қўчириш керак. Дунё тиббиёти масофали ва интернет орқали даволаш усулидан кенг фойдаланиляпти. Биз ҳам яқин келажақда беморларни даволашда шу усулга ўтишим. Ҳозирги кунда барча вилоятларда марказимизнинг бўлимини очишга ҳамда интернет орқали масофали даволаш, ташхислаш учун моддий-техник базасини яратиш ҳаракатидида.

Оlima тин олиб тўхтади, сўнгра кўнглимдан кечганини айтди, деди: — Элимда азиз бўлишдан ортик унвон, саодат йўқ. «Ўзбекистон Қаҳрамони!» — Элим билдирган ишонч Юрбошимиз берган бу унвонни оқлаш учун изланишим керак! Инсон изланиб, интилиб яшаса, ўзидан ўчмас из қолади...

Фанда яратилган янгиликни, олимни мен негадир, серсув, жўшқин дарёга ўхшатаман. Дарё тоғ, дашт, даба бўйлаб ўзанидан ҳайқариб оқаркан, водийларга, одамларга оби-ҳаёт беради. Дарё ўзан солгунча не-не машаққатларга, говларга дуч келади. Лекин ортига қайтмайди. Шунинг учун бўлса керак ирмоқлар дарёга интилади.

Олиманинг умр йўли ҳам ирмоқлар интилган дарёга ўхшаб кетади.

Саид САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Ижтимоий муҳофаза

МЕҲНАТНИНГ ТАГИ РОҲАТ

Бунди «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин

Бугунги кунда бу нуфузли корхонада 15 турдан зиёд қимматбаҳо ва нодир металллар ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда. Илгарилари корхонада асосан кўрошнинг, мис сингари рангли металллар ишлаб чиқарилган бўлса, истиқлол йиллари олтин, рух, қумуш, молибден, кадмий, теллур, мис купуроси, олтингурут кислотаси, ўрларлардаги ярқирама ҳамда қора мис симларини қўллаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2005 йилда 581,6 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. 309 миллион АҚШ доллари қийматидаги мис, рух, мис купуроси бир қатор хорижий давлатларга экспорт қилинди. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса 462,8 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. Унинг 237 миллион АҚШ долларига тенг

қисми хорижга чиқарилди. — Комбинатимиз тасарруфидagi ўндан ортиқ корхона ва фабрикаларда 25 минг нафардан зиёд киши меҳнат қилади, — дейди акциядорлик жамияти иқтисодиёт ва режалаштириш бўлими бошлиғи Светлана Рускова. — Уларда олтин, қумуш, мис ва бир қанча ер ости маъданлари ишловдан чиқарилади.

Бундан ташқари, Олмалиқдаги «Қолмоққир», «Саричека», «Каульди», Наманган вилоятидаги «Чодак», Жиззахдаги «Учкулоч» сингари конлар корхонамизнинг асосий хомашё манбаларидир.

Сўнги йилларда Олмалиқ худудиди миснинг қидириб топилган захиралари бир неча маротабага кўпайди. «Қолмоққир», «Дальнее» сингари конларнинг ўзи дунёдаги энг йirik мис конлари қаторидан жой олди. «Қолмоққир» конида қазилган карьерларга бўлинган ҳолда олиб борилмоқда. Энг қувончлиси, қонда қазилган жараёнларнинг очик усулда олиб борилганлиги хорижий мутахассисларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Шунингдек, корхонада қимматбаҳо ва нодир металллар ишлаб чиқариш билан бирга турли хил халқ истеъмоли молларини ҳам тайёрлаш йўлга қўйилган. Булар — полиэтилен плёнкаси, мрамар тاختалари, респираторлар ва ҳоказо...


Комбинатнинг мис бойитиш фабрикасида мис. Эндигина қазиб келтирилган, минерал ресурсларга тўла темир йўл вагонлари ҳамда баҳайбат «БелАЗ» русумидаги юк автомобиллари фабрика дарвозаси олдида тирбанд. Эритиш бошланди, юк та-

ларнинг ўзи дунёдаги энг йirik мис конлари қаторидан жой олди. «Қолмоққир» конида қазилган карьерларга бўлинган ҳолда олиб борилмоқда. Энг қувончлиси, қонда қазилган жараёнларнинг очик усулда олиб борилганлиги хорижий мутахассисларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Шунингдек, корхонада қимматбаҳо ва нодир металллар ишлаб чиқариш билан бирга турли хил халқ истеъмоли молларини ҳам тайёрлаш йўлга қўйилган. Булар — полиэтилен плёнкаси, мрамар тاختалари, респираторлар ва ҳоказо...

Комбинатнинг мис бойитиш фабрикасида мис. Эндигина қазиб келтирилган, минерал ресурсларга тўла темир йўл вагонлари ҳамда баҳайбат «БелАЗ» русумидаги юк автомобиллари фабрика дарвозаси олдида тирбанд. Эритиш бошланди, юк та-

ларнинг ўзи дунёдаги энг йirik мис конлари қаторидан жой олди. «Қолмоққир» конида қазилган карьерларга бўлинган ҳолда олиб борилмоқда. Энг қувончлиси, қонда қазилган жараёнларнинг очик усулда олиб борилганлиги хорижий мутахассисларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Шунингдек, корхонада қимматбаҳо ва нодир металллар ишлаб чиқариш билан бирга турли хил халқ истеъмоли молларини ҳам тайёрлаш йўлга қўйилган. Булар — полиэтилен плёнкаси, мрамар тاختалари, респираторлар ва ҳоказо...

Комбинатнинг мис бойитиш фабрикасида мис. Эндигина қазиб келтирилган, минерал ресурсларга тўла темир йўл вагонлари ҳамда баҳайбат «БелАЗ» русумидаги юк автомобиллари фабрика дарвозаси олдида тирбанд. Эритиш бошланди, юк та-



боғчаси, 250 ўринли санаторий-профилакторий, 600 ўринли маданият саройи, 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион, қишки спорт мажмуаси, сузиш ҳавзаси, шохмат-шашка клуби, Олмалиқ шаҳар марказида Италиядан келтирилган аттракционлар билан жиҳозланган болалар боғи, пойтахт вилоятининг Пискент туманида 600 ўринли болалар оромгоҳи, Бўстонликдаги 110 ўринли «Олтин олма», Оҳангарон ва Уртачир-

чик туманлари худудиди жойлашган «Мовий тоғлар» ҳамда «Автомобилчи» дам олиш пансионатлари, даволаш-санитария бўлимлари — барчаси ишчи-хизматчилар ихтиёрида. Бир пайтлар корхонамизда меҳнат қилиб, айни пайтда қариллик гаштини сураётган 3 минг 500 нафардан зиёд пенсионерларимизга ҳар йили энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баробари миқдорда нафақа берилмоқда. Ишчи-хизматчиларимизнинг 243 нафар но-

гирон фарзандларига эса ҳар йили энг кам иш ҳақининг 8 баробари миқдорда нафақалар бериб борилиши йўлга қўйилди. Бундай хайрли ишлар ва ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазаси учун йилгига корхона ҳисобидан 1 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланяпти...

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири
Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА)
олган суратлар

• Ватан ҳимояси — олий шараф

«ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН»

деган ниёт билан ҳарбий вертолёт штурвалига ўтирдик, дейишди Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти курсантлари Жамшид Отабеков билан Руслан Йўлдошевлар

Курсантлик кийимлари ўзларига ярашган, қоматлари адл, боқилари ўқтам, бургут мисол қарашларида шиддат, кучу қудрат уфуриб турган бу йигитлар билан билим юрти бошлигининг ўринбосари, подполковник Абдуғани Хамидов таништирди: — Ҳар иккаласи ҳам жанговар тайёргарлик аълочилиси, жисмонан бақувват, руҳан тетик курсантларимиздан. Сизга айтсам, Қуролли Кучларимизга қийинчиликлардан чўчимайдиган, машаққатлар олдида бўйин эгмайдиغان, Ватанини, халқини жонидан ҳам ортиқ кўрадиган, фидойи, жасур, малакали, бир сўз билан айтганда, тегирмондан бутун чиқадиган ана шундай офицерлар керак.

Ийгилик билан суҳбатимиз Ватан тинчлиги, юрт осойишталиги, мустақил мамлакатимизнинг миллий армияси, билим юртидаги шарт-шароитлар, мураккаб жанговар техника сирасорларини ўрганиш жараёнлари, бу ердаги интизом ва талаб ҳақида бўлди.

— Бухоро вилоятининг Бухоро туманиданман, — дейди Руслан Йўлдошев. — Болаликдан ҳарбий бўлишни хоҳлардим. Қишлоғимиз тепасидан учиб ўтаётган самолётлару, вертолётларни кўрганимда «Қанийди, мен ҳам шундай самолётларни, вертолётларни бошқарсам...» дея ҳавас қилардим. Шу ҳавас мени бу даргоҳга бошлаб келди. Тўғри, бошида анча қийин бўлди. Темир интизом, кучли талаб, юксак жисмоний, руҳий, маънавий тайёргарлик, янги, мураккаб ҳарбий техникани ўрганиш, тез учар вертолётларни бошқариш, қуроллардан нишонни бехато уриш, лозим пайт-

да уларни тезкор таъмирлашнинг уддасидан чиқиш — булар айтишга осон, ҳолос. Лекин бу ерда сени ёлғизлиб қўйишмайди. Офицерлар, олдинги курсда ўқиётган курсантлар ҳар доим ёрдамга тайёр. Қуролдошларнинг, сафдошларининг кўмагини ҳар кун, ҳар соатда сезиб турасан. Кўникдим. Ўргандим. Чинқидим. Эрта-индин мустақил Ўзбекистонимиз армияси учун офицер бўлиб чиқишимни, юртим тинчлигини, болаларнинг қувноқ қўлгуларини, ота-оналаримизнинг осойишта ҳаётини ҳимоя қилувчи, кўз қорачигидай асровчи Қуролли Кучларимизнинг жанговар сафларида бўлишимни уйласам, барча машаққатларни буткул унутаман, Ватанимга хизмат қилаётганимдан фахрланаман, гурурланаман.

— Отам пенсияда, онажоним уй бекаси, — дейди курсант Жамшид Отабеков. — Улар Зарбдор туманида истиқомат қилишади. Акам Жасур Отабеков мен ўқиётган билим юртини тамомлаган. Ҳозир ҳарбий қисмда хизматни давом эттирмоқда. Курсантлик даврида ҳар гал отам билан кўргани келганимизда акамга жуда-жуда ҳавас қилардим. Шунданми, ҳартугул, бу ерга ўқишга келдим. Ҳозир устозларим — «Жасорат» медали соҳибини Шерали Чориев, капитан Отабек Ориповлар ёрдамида ҳарбий вертолётни бошқаришни, парвоз чоғида фазода турли манёврлар ясашни, учуш аппаратларини фойдаланишни кунт билан ўрганаёпман. Мақсадим: ота-онамга, халқимга муносиб ўрлон бўлиш, уларни турли бало-қазолардан,

ҳавф-хатарлардан, ташқи хужумлардан ҳимоя қилиш, Ватанимизни қалқони, деган шарафли номни оқлаш...

— Шунан ифтихор билан таъкидлашни истардимки, — дейди билим юрти аэродинамика кафедраси бошлиғи, майор Шерали Чориев. — Бугун мамлакатимиз Қуролли Кучларида босқичма босқич амалга оширилган ислохотларнинг самаралари яққол кўзга ташланмоқда. Аждодларимизнинг жанговар аънавалари, азалий қадриятларимиз, шу билан бир қаторда замон талаблари ва халқаро андазаларга мос келадиган, ҳар қандай жанговар вазифани адо этишга қодир ихчам, профессионал армиямиз шаклланиб бораёпти. У мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустақам қаролати, ишончли таянчи, халқимизнинг фахри, ифтихориға айланмоқда. Бевоқифа Юртбошимиз ташаббуси билан 1994 йилда ташкил этилган билим юртимиз эса Қуролли Кучларимиз учун ҳарбий самолётлар ва жанговар вертолётларнинг учувчи-муҳандислари, авиация радиожихозлари мутахассислари, авиация жиҳозлари муҳандислари мутахассисликлари бўйича махсус олий ҳарбий маълумотга эга офицерлар тайёрлаб беришдек масъулиятли вазифани адо этаётди.

— Бу ерда ҳамма шарт-шароитлар бор, — дейишди курсантлар. — Спорт саройи ва майдони, шинам ошхона, ёғу, озода ётоқхона, маънавият ва маърифат маркази, бой кутубхона, янги, замонавий ҳарбий техника ва ускуналар, қурол-яроғлар, ўқув қўлланмаларига

эгамиз. Биздан фақат бир нарсаси талаб қилинади: жанговар тайёргарликни ошириш, қурол-яроғларни пухта ўзлаштириш, ҳарбий қасамдимишга содиқ қолиб, Ватанимизга, Президентимизга, халқимизга хизмат қилиш.

— Ҳарбий вертолётни мустақил равишда бошқарган дастлабки кунни худди кечагидай эслаймман, — дейди Жамшид Отабеков. — Ушунда қаттиқ ҳаяжонланган эдим. Устозим — подполковник Нурали Жалилов ҳолатимни сезди шекилли, елкамга дўстона қоқиб, шундай деганди:

— Қўрқма, совуққон бўл, ҳушёрликни йўқотма, сенга ишонаман! Мотори гувуллаб, парвозга шай турган маҳобатли жанговар техника ердан кўтарилди. Штурвални маҳкам тутган қўлларимнинг энгил титраётганини ҳис қилдим. Ҳаёлимда кимдир «Жамшид, ўзингни қўлга ол!» дегандай бўлди. Бу овоз худди отамнинг овозига ўхшаб кетди. Ҳаяжонларим ўз-ўзидан босилди. Ҳавода манёвр ясаб, учушга ўтдим...

— Болалагимдан баландликни, юксакликни яхши кўраманда, — дея қуролдош дўстининг сўзларини давом эттирди Руслан Йўлдошев. — Биринчи марта вертолётда самога кўтарилганимда пастда тасмадек ялттираб кўринаётган йўлларни, ястаниб ётган далалар, экин майдонлари, қишлоқларни кўриб, биласизми, нималар ҳаёлимдан ўтди? Оддий оилада ўсиб-ўлғайган мендай йигит лочин каби фазода парвоз қилаётган экан, бунини, аввало, Истиқлол шарофати, озоод юрт

берган имконият, дегим келди. Мустақиллик бўлмаганида бу ҳақда ўйлаш, орзу қилиш мумкинми? Демак, бундай юртнинг қадрига етмок, Истиқлолни асраб-авайламок керак. Бу эса мен каби йигитларнинг муқаддас бурчи ҳисобланмайдими? Ҳарбийлик ҳам аслида белида белбоғи бор йигитларга хос, мардларга, ботирларга мос касб эмасми? Мардлар қўриқлайди Ватанини, йигит омон бўлса, қўрғон дахлсиз, деганларнинг маъносини балки шундандир. Ахир, она-Ватанини бало-қазолардан биз асрама-сак, ким асрайди, йигит бўла туриб, юрт қорига ярамасак, унда йигит деган номимиз, шаънимиз, қадримиз, гуруримиз қаёқда қолади?

...Курсантлар билан узоқ гурунглашдим ва беихтиёр қайсидир файласуф айтган гаплар эсимга тушди: ҳар кимнинг қалбида ўз халқининг, Ватанининг ҳажжи қиёфаси яшайди. Сўхбатдошларим — юртимнинг мард ва фидойи ўғлонлари қалбида мен ўз халқимни, мустақил Ўзбекистонимни кўргандай, ҳис қилгандай бўдим. Дарвозаси олдида парвозга шайланган сар лочиндай қанотларини ёйиб турган ҳарбий самолёт макети қўйилган билим юртидан қайтар эканман «Осмонимиз муссаффо бўлсин», деган ниёт билан ҳарбий вертолёт штурвалига ўтирган курсантларга қарата «Ниятингизга етинг, парвозингиз бехатар бўлсин, уларимиз!» дегим келди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири



БМТ — ЭРОН

БМТ бош қотиби Кофи Аннаниннинг Эронга ташрифи ниҳоясига етди. Маълумотларга кўра, бу учрашувлар ҳам қутилган натижаларга олиб келмади.

Эрон томони ўз ядро дастури борасида юзага келган зиддиятларни ҳам қилиш истагини билдириш билан бирга музокаралар бошланмагунча уни тўхтатмаслигини айтган.

Шунингдек, Эрон БМТ томонидан Ливан борасида қабул қилинган резолюцияда қайд этилганидек «Ҳизбуллоҳ» гуруҳига қурол-яроғ етказиб беришни тўхтатиш шартига амал қилишга тайёр эканлигини билдирган.

Кейинги ҳафтада Эрон ядро дастури борасида Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат бўйича муовини Хавьер Солана ва Эроннинг расмий вакили Али Ларижани билан учрашуви қутулмоқда.

Шанба кунини ЕИнинг ташқи ишлар вазирлари Эронга ядро ёнилғисини қайта ишлаш бўйича позициясини аниқлаштириб олиши учун яна икки ҳафта муҳлат беришди.

БМТ Ҳавфсизлик Кенгашининг резолюциясига кўра, Эрон уранин бойитиш борасидаги амалиётларини тўхтатиши керак. Эрон эса ядро объектлари электрэнергия ишлаб чиқариш учун зарурлигини таъкидламоқда.



ЯПОНИЯ

«Livedoor» компанияси асосчиси, япониялик интернет-магнат Такафуми Хори биринчи суд мажлиси давомида ўзини айбисиз, деб эълон қилди.

Гап шундаки, Хори 2004 йилнинг охирида компания 5,03 миллиард иена (56,2 миллион долларга яқин) фойда кўрганлиги ҳақида инвесторларга маълум қилган. Солиқчилар томонидан текширилганда эса фирма ҳақиқатда фойда эмас, 310

миллион (3,4 миллион долларга яқин) миқдорда зарар кўрганлиги аниқланди.

33 ёшли Хори Японияда жуда тез бойиб кетганлиги ҳамда ноёб автомобилларга «кўнгли» қўйганлиги билан машҳур.

АҚШ

Ироқлик уч маҳбусни ўлдирганликда айбланаётган тўрт нафар америкалик аскар айби исботланган тақдирда, улар олий жазага тортилиши мумкин. Бу ишни кўриб чиқаётган бош ҳарбий терговчи улар учун энг мақбул жаза шу, деб ҳисоблайди. Терговчи Жеймс Даниэл ўз ҳисоботида қотиллик ваҳшийларча амалга оширилганини таъкидлади.



Аскарлар эса маҳбуслар қочиб қургани пайтда ўзларини ҳимоя қилиш мақсадида уларни ўлдирганини билдиришмоқда.

Ҳарбий ҳуқуқ меъёрларига кўра, қасдан содир этилган қотиллик учун ўлим жаозаси энг олий жаза ҳисобланади. Октябр-март америкалик ҳарбий 1961 йилда Канзас штатида қатл этилганди.

Кейинги пайтларда Ироқда тинч аҳоли вакилларини ўлдирганликда ва қийноққа солганликда айбланаётган америкалик ҳарбийлар ҳақидаги ҳабарлар жаҳон оммавий ахборот воситаларида тез-тез пайдо бўлмоқда.

Айни пайтда ҳам ўтган йили Хадита шаҳри ёнида 24 нафар қуролсиз ироқлик ўлдирганлиги юзасидан тергов кетмоқда.

ПОЧТА МАРКАЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

«Тошкент почтамити»да мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон почта маркалари ва конвертлари» деб номланган кўргазма ташкил этилди.

Маълумки, почта маркалари номинал қиймати ва давлат номи кўрсатилган бадий тасвирдаги, почта алоқа хизматла-

ри тўловининг давлат белгиси ҳисобланади. Шунингдек, у бунун дунёда мамлакатнинг мустақиллигини билдирувчи белги-

лардан бири деб тан олинган. Мамлакатимизда 1992 йилнинг 7 майда шира Нодирабегим таваллудининг 200 йиллиги муносабати билан биринчи марта муомалага чиқарилган эди. Шу тарихи мустақиллик йилларида 700 турдаги маркалар ишлаб чиқарилди. Уларда

асосан мамлакатимизнинг сиёсий ва маданий ҳаёти, халқ ҳўжалигининг турли соҳаларидаги ривожланишни, спортдаги ютуқлар, архитектура ёдгорликлари, флора, фауна мавзулари акс этган.

Бўлиб ўтган кўргазмада почта маркаларининг ижтимоий ҳаёт-

даги роли хусусида ҳам мулоҳазалар билдирилди. Шундан сўнг, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб тайёрланган 57 турдаги почта маркаларининг тақдироти бўлиб ўтди.

Меъмуржон МАҲМУД,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

«KIMOSHI SAVDOLARI AGENTLIGI»
ОЧИК АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2006 йил, 7, 14, 21 сентябрь кунлари соат 11.00да республика Кўчаси мулк биржасининг биносида, объектининг бошланғич баҳоси қадам ба қадам ошиши тартибиде ўтказилган очик аукцион савдосига такроран Самарқанд вилояти хўжалик суди қарори билан банкрот деб эътироф этилган «Ф.Йўлдош» маъсулияти чекланган жамиятга қарашли қуйидаги мулклар қўйилади:

1. Самарқанд вилояти, Булунғур тумани, Болғали қишлоғида жойлашган «Ф.Йўлдош» МЧЖнинг мол-мулкларини мажмуаси.
2. Булунғур тумани, Килдон ширкат хўжалиги худудиди жойлашган «Килдон» вино пункти мол-мулкларини мажмуаси.

Бошланғич баҳоси — 15 500 000 сўм.
Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланғичидан 1 соат олдин тўхтатилади.
Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закалат пули тўлаши шарт.
Закалат пули «KIMOSHI SAVDOLARI AGENTLIGI» Ўзбекистон Республикаси Миллий банкининг Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000304265383003, ҚОД-00876, СТИР 204563716 ўтказилади.
Қўшимча маълумотлар учун «KIMOSHI SAVDOLARI AGENTLIGI»га мурожаат қилишингиз мумкин.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўрозбоев кўчаси, 1-А-уй, республика Кўчаси мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона.
Маълумот учун тел/факс: 399-80-23.

КАРЕЛИЯ РЕСПУБЛИКАСИ

Кондопога (Карелия Республикаси)да бошланган намоийшлар тартибсизликлар билан тугади. Ҳаммаси маҳаллий аҳоли вакилларининг уч нафар карелияликни ўлдирганликда айбланаётган, келиб чиқиши Кавказдан бўлган шахсларни жазолашни талаб қилиб чиқишдан бошланди.

Намоийшчилар бозорни жанубдан келган сотувчилардан бўшатиб, маҳаллий аҳоли учун савдо қилиш имконини яратиб беришни талаб қилишди. Кондопога маъмурияти шартга рози бўлганига қарамай, намоийшчилар тинчмади.



Гувоҳларнинг сўзларига кўра, алкоголь ичимликлар таъсирида бўлган бир гуруҳ ёшлар автотранспорт қатновини тўхтатиб қўйиб, атрофдаги машиналарга тош ота бошлашган. Милиция эса тартибсизликларни тўхтатиб қолишга уринмади ҳам.

Кондопога ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига Петрозаводскдан кўчатирилган махсус хизматлар вакиллари ёрдамга келишди. Карелия раҳбари Сергей Катанандов тартибсизликлар ташкилотчилари аниқлашиб, жазолашни ваъда қилди.

«ОЛИМПИА ШОН-ШУХРАТИ» МУЗЕЙИ

пойтахтимиз Тошкентда ташкил этилганига ўн йил тўлди

Республикамизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, спортни янада оммавийлаштириш, ўзбекистонлик спортчиларнинг олимпиада, жаҳон, қитъа биринчиликлари ва халқаро мусобақалардаги зафарларини, олимпиада ҳаракатини кенг тарғиб этиш мақсадида 1996 йил 1 сентябрь кунини ҳукуматимиз қарори билан «Олимпия шон-шухрати» музейи очилган эди.

«Олимпия шон-шухрати» музейидаги экспонатларда олимпия идеаллари, олимпия ҳаракати тарихи, Халқаро Олимпия Қўмитаси, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси, спорт федерациялари фаолиятлари, мамлакатимизда олимпия ғояларининг кенг тарқалиши, Олимпия уйинларининг ғолиб ва совриндори бўлган спортчиларимиз ҳақида ҳикоя қилинади.

ХОКнинг собиқ Президенти Х.А.Самаранч музей экспонатларини кўздан кечириш давомида шундай фикр билдирганди: «Ушбу музейнинг Халқаро Олимпия Қўмитаси таркибига кирувчи Лозаннадаги Олимпия музейидан қолишадиган жойи йўқ».

Музейнинг энг қimmatбах о экспонатлари бу — Президентимиз музейга совға қилган, Олимпия ҳаракати ҳамда спортни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун тақдирланган мукофотлари: ХОКнинг Олимпия Олтин ордени, Осиё Олимпия кенгашининг Олимпия Олтин ордени, Миллий Олимпия қўмиталари ассоциациясининг Олтин ордени ва сertiфикати, Халқаро Хаваскорлар кураш федерациясининг Олтин маржондир. Улар музейда марказий ўринни эгаллайди.

Музейда Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт тарихига оид ҳужжатлар фондини яратиш бўйича ҳам иш олиб борилаётганда. Бу ерда мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва олимпия ҳаракати тарихи тўғрисида ҳикоя қилувчи материаллар тўпланганда ҳамда кўргазмага қўйилади. Музей мутахассислари олимпия билан ҳамкорликда

ўзбек спорти тарихига оид материалларни йиғиш ва таҳлил қилиш билан шуғулланишлар, муҳим тадқиқотларни олиб борадилар. Олимпиада, жаҳон, қитъа чемпионлари, халқаро мусобақалар ғолиблари музейга ўзларининг мукофотлари, фотосуратлар, ҳужжатлар, ёрликлар, дипломлар, нишонлар, вымпеллар ва бошқа материалларни топширадилар.

Музейнинг жуда бой экспонати, бинонинг ўзига хос бетакор архитектураси бу ерга ташириб буюрганларда катта таассурот қолдирмоқда. Меҳмонларнинг музейда қолдирган дастхатлари сўзимиз ибодтидир.

«Ўзбекистон спортчилари эришган улкан муваффақиятлар тўғрисида ҳикоя қилувчи музей ҳамда унинг экспонатлари билан жуда мароқ ва қизиқиш билан танишдим. Мамлакат раҳбариятининг Олимпия ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган савий-ҳаракатлари ва эътибори мени ҳайратга солади».

В.Смирнов, ХОК вице-президенти
«Олимпия шон-шухрати» музейи бизда улкан таассурот қолдирди. Бу музей янада гуллаб-яшнашини, ўзбекистонлик спортчилар юксак натижаларга эришишини чин қалбдан тилаб қоламиз».

Осиё Олимпия Кенгаши Иброҳим Қўмитаси аъзолари
«Ажойиб музей! Бу Ўзбекистон Олимпия ҳаракати тарихининг хазинасидир. Музей ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш учун бебаҳо хизмат қилади».

Александр Медведев, эркин кураш бўйича уч карра Олимпия чемпиони, етти карра жаҳон чемпиони
«Музейдаги олтин медаллар шодаси Тошкент осмониди қолдулардан ҳам кўп бўлишини тилаймиз».

А.Стержаду, жаҳон ва Осиё чемпиони
«Сизнинг музейингиз, унинг экспонатлари, биносининг бетакор меъморий ечимидан лол қолдик. Мен жуда кўп мамлакат-

ларда бўлганман, бироқ уларнинг бирортаси сизникидек музейи билан мақтана олмайдим».

Ким Ин Чан, Халқаро хаваскорлар кураш федерацияси (ФИЛА) раёсати аъзоси, Осиё Кураш ассоциацияси Президенти
«Мен жаҳондаги барча инсонларни Тошкентдаги «Олимпия шон-шухрати» музейига ташириб буюришларини ва буюк тарихингиздан лаззатланишларини истардим».

Каватей, Япония Миллий Олимпия Қўмитаси ва Халқаро Теннис федерацияси аъзоси.

«Тошкентда шундай ажойиб ва бетакор музей борлиги мени лол қолдирди. Ўзбек спортининг тарихи ва унинг бугунги кунини музей экспонатлари жуда таъсирчан ифодасини топган. Қойил!»

Рёсукэ Сакасэгава, «Асахи» газетаси (Япония)нинг спорт шарҳловчиси

Олимпия ҳаракати, спорт соҳасида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш мақсадида музейда илмий кенгаш тўзилган. Режага асосан Олимпия ҳаракати, соғлом турмуш тарзи ва бошқа долзарб масалалар бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда.

«Олимпия шон-шухрати» музейи билан Швейцариянинг Лозанна шаҳридаги Олимпия музейи ўртасида ҳамкорлик ўрнатилган.

Музейда Олимпиада тарихи, Ўзбекистон олимпиадачиларининг ютуқлари, мустақиллик йилларида спортни ривожлантиришга берилган эътибор ҳақидаги махсус видеофильмлар меҳмонларга намойиш этилмоқда.

«Олимпия шон-шухрати» музейи ўзининг ўн йиллик фаолияти даврида Ўзбекистонда олимпиада ва спорт ютуқларини тарғиб қилиш марказига, юртдошларимизнинг фахр-ифтихор масканига айланди.

Равшан ШОДИЕВ

ЯНГИ АВТОСАЛОН ОЧИЛДИ

Мустақиллик байрами арафасида Чирчиқ шаҳрида барпо этилган замонавий янги автосалон мижозлар учун ўз эшикларини очди. «УздЭУавто» заводидан ишлаб чиқарилаётган энгил автомобилларни сотиш ва уларга техник хизматлар кўрсатишга мўлжалланган ушбу йирик корхона «Узавтотехизмат» акциядорлик жамияти тизимидаги ўн бешинчи автосалондир! Тўйга тўёна билан бориш ўзбек халқига хос урф-одат. Шу маънода ушбу автосалон қисқа муддатда барпо этилди. Унинг чиройли, муқтадас бўлиши учун қурувчилар астойдил тер тўқдилар.

Янги автосалоннинг фойдаланишга топширилиши Чирчиқ ҳудудий «Автотехизмат» бирлашмаси жамоаси зиммасига янги масъулият юклайди, — деди «Узавтотехизмат» акциядорлик жамияти раисининг ўринбосари Азизбек Гайбуллаев. — Чунки, эндиликда бу ерга келувчилар оқими кескин ошади. Уларнинг ҳар бирига намунали хизмат кўрсатиш, ишончига сазовор бўлиш зарур.

Янги автосалонда барча ишлар замонавий асбоб-ускуналар, компьютерлар ёрдамида тез ва соз бажарилади. Мижозларга қулайлик туғдириш мақсадида шу ернинг ўзидан «Асака банк» бўлими ҳам иш бошлади.

Бобо САРОЙ

Интер-спорт


МУРАББИЙНИНГ ЖАҲЛИ ПАНД БЕРДИ

Ирландия терма жамоасининг бош мураббийи Стив Стаунтон футбол бўйича Европа чемпионатининг навбатдаги саралаш учрашувида ўз жамоасини бошқариш ҳуқуқидан махрум этилди.

Гап шундаки, Ирландия футболчиларининг Германия терма жамоасига қарши ўйини пайтида бош мураббий жаҳл устида ноҳўя ҳаракат қилган. Учрашувни бошқараётган испаниялик ҳакам Луис Медин Канталехо мураббийни ўйин тугашига 11 дақиқа қолганда жазолашга мажбур бўлган. Чунки, мураббий йўлакда турган шивани тепиб юборганди: «Воқеа қандай давом этиши мени ҳаяжонлантирмайди, — дейди Стив Стаунтон. — Чунки шивага оддий тўп теггандай зарб бердим, холос. Ахир тўпни тепишим мумкин-ку. Ҳар қалай энди бундай ноҳуш воқеалар қайтариқмайди».

Эслатамиз, Ирландия терма жамоаси навбатдаги саралаш учрашувини 7 октябрь кунини Кипр футболчиларига қарши ўтказадди.

УЧРАШУВ ВАҚТИ ҲАЛИ НОМАЪЛУМ



Лос-Анжелесда оғир вазнли нигериялик боксчи Самуэль Питер билан америкалик Жеймс Тони ўртасида мurosасиз жанг бўлди. Бу учрашувда Питернинг қўли баланг келди. Жанг бошида устунлик америкалик боксчида эди. Учинчи раундда эса Питер гўё уйғонгандек рақибига кетма-кет зарбалар «ёғдирди». Хуллас, мусобақа якунида ҳакамлардан икки нафари Питер фойдасига бир хил — 116:111 ҳисобини ёзишди. Учинчи ҳакам эса Тонига 115:112 ҳисобида ғалаба ёзди. Оқибатда Питер ғалаба қозониб, WBC йўналиши бўйича жаҳон чемпиони номи учун жанг ўтказишга даъвогар эканини намойиш этди. Бундай йўналишда эса ҳозирча россиялик Олег Маскаев чемпион бўлиб турибди. Питернинг Маскаев билан қачон учрашишини эса вақт кўрсатади.



Лос-Анжелесда оғир вазнли нигериялик боксчи Самуэль Питер билан америкалик Жеймс Тони ўртасида мurosасиз жанг бўлди. Бу учрашувда Питернинг қўли баланг келди. Жанг бошида устунлик америкалик боксчида эди. Учинчи раундда эса Питер гўё уйғонгандек рақибига кетма-кет зарбалар «ёғдирди». Хуллас, мусобақа якунида ҳакамлардан икки нафари Питер фойдасига бир хил — 116:111 ҳисобини ёзишди. Учинчи ҳакам эса Тонига 115:112 ҳисобида ғалаба ёзди. Оқибатда Питер ғалаба қозониб, WBC йўналиши бўйича жаҳон чемпиони номи учун жанг ўтказишга даъвогар эканини намойиш этди. Бундай йўналишда эса ҳозирча россиялик Олег Маскаев чемпион бўлиб турибди. Питернинг Маскаев билан қачон учрашишини эса вақт кўрсатади.

Кино

ОНА ТУПРОҚ ИЗТИРОБЛАРИ

ёки Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Зулфиқор Мусоқовнинг «Ватан» фильми ҳақида

Ватан ҳақида янги гап айтиш, ёки халққа манзур бўларли бирон-бир асар яратиш ҳар қандай ижодкордан юксак маҳорат ва кучли масъулият талаб этади. Ватан ҳақида шундай айтиш керакки, у ҳар бир қалбга кириб борсин, инсонлар кўнглида юрта муҳаббат туйғусини уйғотсин. Шу маънода мен миллий маданиятимизда воқеа бўлган «Ватан» фильмининг кўриб қаттиқ таъсирландим. Унда юзлаб инсонларнинг она-диёрга бўлган чексиз меҳри, садоқати, армон ва изтироблари ифода этилганига гувоҳ бўлдим.



Фильмда воқеалар оддий ўзбек қишлоғидан бошланиб, сўнгра жанг майдонлари, концлагерлар, совуқ ўлкалари Америка қитъаси кенгликларига кечади. Фильм бош қаҳрамон Курбоннинг ҳаётини хотиралаётган асосланган бўлиб, у Тошкентдан қишлоғи Шўртепа томон бораркан, уларни йўл-йўлакай бирма-бир ёдга олади. Бу образни истеводдилик актёрлар Музаффар Саъдуллаев ва Абдуманнон Убайдуллаевлар ижро этишган.

Ушбу фильмининг кузатарканми, Курбоннинг иккинчи жаҳон уруши йилларида кечган ўт-олов ёшлиги, сўнгра уни уруш қаърига отган тақдирининг нақадар аламли синовларига гувоҳ бўламиз. Ҳар иккала ҳолатда ҳам қаҳрамон ўзгармайди, аксинча у мардона инсон сифатида кўз ўнгимизда ўсиб бораверади. Айниқса, ёш актёр Музаффар Саъдуллаевнинг асосидаги босиқлик, кўзларидаги қувончу ташвиш, соғинч ва изтироб акси образ мукамал чиқишига сабаб бўлган. Унинг кўзларини йирик планда кўрсатган сахналардан бири концлагердан олиб кетилиш сахнасидир. Поезд деразасидан умид билан қараб кетаятган Курбоннинг кўзлари... Шу жойдаги сўхбат ҳам кишини даҳшатга солади.

Уз юртинга поезд деразасидангина қараш нақадар аламли. Фильм жонли, ҳаётини ва таъсирчан чиқишини таъ-

минлаган образлардан яна бири Раъно Шодиева талқинидаги Гунафаша ролдир. У ўзига берилган вафодор ўзбек қизи ва аёли образини жуда чиройли тарзда, юксак маҳорат билан яратган. Фильмда ҳали чимилдиққа кириб улгурмаган Гунафашанингни ёрнини урушга кузатишдаги изтироблари томошабинни қанчалик қайғуга солса, Хомид билан бўлган сўнги учрашувда унинг ҳақиқий қатъиятли инсон, аёл сифатида гавдаланиши бизни янада ҳаяжонлантиради.

Эри «халқ душманига чиқиб, ўзи ўн беш йилга қамалиб кетиши мумкинлигини эшитиб турган пайтида ҳам у ўз ёрига содда бўлиб қолади. Фильмнинг худди шу сахнаси томошабинга моҳирона чиғилар, қойилмақом ижро билан етказиб берилди. Маълумки, уруш вақтида минглаб, миллионлаб ўзбек аёллари ўз Ватанларига, сеvimли ёрларига бўлган садоқатини ўзларининг ана шундай вафодорликлари, фидокорона ҳаёти ва меҳнатлари орқали қўсатиб берган.

Фильм қаҳрамонларига келсак, бош роллар — Курбон билан Гунафаша ролига бир-бирига муносиб актёрлар танланган. Уларнинг тутқунликда учрашиб қолишлари ҳам тақдирнинг ажиб бир иноятидир. Бу учрашувда бироз сунъийлик бордай туюлиши мумкин, аммо бу нарса ҳеч кимнинг гашига тегмайди. Балки қаҳрамонларга яқинлаштиради, экран қаршидагилар қалбда ҳам қаҳрамонлардаги

сингари умид учқунлари пайдо бўлади. Ҳар икки томон ҳам бирдай йиғлайди. Гунафашанингни вафот этиши сахнасидаги Курбон тилидан айтилган: «Бир кунгина кутсанг бўлмасмиди Гунафаша? Шу сепкилларингни кўраман деб ўн йил кутдим?..» сўзлари эса киши қалбини ларзага солиб юборади.

Фильмдаги асосий қаҳрамонлардан яна бири — Хомиднинг кексалиги, айниқса, мароминга етказиб ўйналган. Обид Юнусов талқинидаги кўзлари оқиб, бир қўлидан айрилган бу кимсани кўриб, бир томондан уни кечириб юборгинг келса, иккинчи томондан эски қилмишлари туйғули ундан қаттиқ нафратланасан. Аммо унга энг одил жазосини фильмда ҳаётнинг ўзи берган:

«Тўхта Курбон! Мени кечир! Ўзимни ўлдиролмадим... Арқон узилиб кетди!»

Ким билсин, балки бундай кимсалардан шарафли ўлим ҳам ҳазар қилар. Хуллас, бу қаҳрамоннинг бутун ички дунёси кичкинагина эпизод орқали аъло даражада очиб берилган.

Фильм Ватан ҳақида бўлсада, унда бу сўз бот-бот такрорланмайди. У ҳақда содда, самимий, энг муҳими, юракдан ай-

тиладиган гапни режиссёр тақдирнинг узок сўқмоқларини вазмин босиб ўтган кекса Курбонга топширган. Қаҳрамон эса кўзларида ақс этган узок йиллик соғинч, изтироб ва алам хисларини ўзгача меҳр билан қўйидаги сўзлар орқали ифода этади:

«Бу сенин ҳам Ватанингни, болам. Ватан онадай, ундан таъна қилиш гуноҳи азим... Ватан — мана бу мовий осмон, мана бу ер, мана бу оқиб турган сой, мана бу кенг дала. Уғлим, балки сен ҳақдирсан, лекин ҳаётимни Ватаним барбод қилмади. Замон шунақа эди. Энди армоним йўқ!»

Фильмга эса ҳамиша асл баҳони томошабин берган. Мен ҳам оддий бир томошабин сифатида шунини айтмоқчиманки, фильм ажойиб яратилган. Ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат ғоялари янгича талқин этилган бу фильм ўзининг профессионал ифодаси билан бугунги куннинг «баъзи» фильмларидан тубдан фарқ қилади. «Ватанингни бу муваффақияти эса нафақат режиссёр ва ижодкорларнинг ютуғи, балки ўзбек киносининг катта ютуғидир.

Жасур ҲУСАНОВ, ЎЗМУ талабаси

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Norbob SHAKAROV
Nomoz SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIYBERGENOV
Muslihidin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifot 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yatga olingan. Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

7 — 1150
7474 nusxada bosildi
t — Tuzilgan materiallar
O'ZA yakuni — 22.30
Topshirish vaqti — 23.30
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda

«ХОРАЗМПАХТАСАНОАТ»

ХУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

бунёдкор Ўзбекистон халқини энг улуғ ва энг азиз байрам —

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги

билан чин дилдан муборакбод этади.



Азиз юртдошлар!
Ватан узра Озодлик ва
Хурлик қувши мангу порласин.
Муқаддас юртимиз шухрати
янада зиёда бўлсин!



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Х.Сулaimонова номидаги Республика суд экспертиза маркази жамоаси марказининг Сурхондарё вилоят бўлини масъул раҳбари Равшан Тўхтаевич Газиевага онаси Муаззам ая ГАЗИЕВАНING вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Каттақўрғон туман марказий шифохонаси маъмурияти Бош шифокорининг оналик ва болалик масалалари бўйича ўринбосари Мухаммади Садриддиновга онаси Зулайхо РАСУЛОВАНING вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.